

**ЗИЁРАТГОҲЛАРДАГИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТНИНГ
ЭТНОГРАФИК ВА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

*Термиз давлат университети Жаҳон тарихи
кафедраси Этнография, этнология, антропология
йуналиши*

Жалилова Уғилой Абдикодир кизи

Муқаддас зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ўлка аҳолисининг анъанавий диний тасаввурлари ва эътиқод қарашларини илмий таҳлил этишгина эмас, илмий тадқиқотлар натижаси сифатида моддий-маданият намуналарининг маънавий-маърифий аҳамиятини ёшлар таълим- тарбиясида қўллаш имкониятини ҳам беради. Шу маънода айтишмумкинки, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё вилояти ўзининг улуғ алломалари, забардаст олимлари ҳамда меҳнаткаш халқи билан жаҳонга танилган. Шунинг эътирофи этиш ўринлики, бу каби табаррук зотларнинг меросини ва тарихини ўрганиш, пировард натижада дафн этилган гўшаларини обод қилиш, дин-диёнатли инсонларнинг ҳаёт тажрибасини оммалаштириш ва диний соҳада амалга оширган ишлари ёшлар- рни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилади¹.

Қадим ҳикматда бир мамлакатга йўлинг тушса, мазори билан бозорини бориб кўр, деган нақл бор. Мазорни кўришдан мурод шу халқнинг аждодлари кимлигини билиш, ўтган донишманд ва фозилларга, тарихий хотирага муносабатларини аниқлаш бўлиб, ўзлигини англаган, муқаддас билган халқ бундай инсонларни улуғлайди. Бу каби охират диёрига олиб

борадиган манзилларда кўноқ тутган зотларнинг илмий, меросидан, тафаккуридан ҳосил бўлган самара кўнгилга қувват, ниятга мадад, умидга таянч бўлади².

1 Ислом маданияти ва тарбияси ҳақида тўлиқроқ: Хўжамуродов И. Ислом миллийлик қадрият (Ислом ва ўзбек халқи миллий ўзлигини англашнинг шаклланиши). – Тошкент: Фан, 1993. – 122 б.; Абдурахмон Қоя. Ислом ахлоқи. – Тошкент: Мовороуннаҳр, 1997.

– 111 б.; Агзамходжаев С. Ёшларга ислом маърифатининг таъсири // Маънавий ва диний етуклик – давр талаби. Тўпл. 3. Исломов ва бошқ. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009. – 444 б.; Хўжамуродов И., Абдураимова М. Сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш (Сиёсий-фалсафий таҳлил). – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2010. – 171 б.; Қодиров Қ. Имом ат-Термизий ҳадисларида тарбия ва ислом маданияти.

– Тошкент: Тошкент ислом университети, 2011. – 120 б.

2 Суюндик Мустафо Нуротой. Мунаввар қадамжолар. – Тошкент: Noshirlik 2011. – Б. 5.

Шу жиҳатдан халқнинг ва миллатнинг миллий қадриятлари билан яқинроқ танишишда бошқа муҳим омиллар сингари аҳоли- нинг маънавий-маърифий ҳаётида аҳамиятга эга бўлган муқаддас қадамжоларнинг хизмати ва ўрни катта. Муқаддас объектлар атрофида шаклланган маданият ва жамият тарихида юз берган воқеа-ҳодисалар, уларга муносабат, шу муҳит билан боғлиқ урф- одат, анъана, маросимлар муайян тил ва образлар орқали талқин қилинади. Дала тадқиқотлари Сурхондарё вилоятидаги зиёратгоҳларнинг⁷⁰ ғоизини Термиз, Шеробод, Музработ, Ангор, Бойсун,

Олтинсой, Саросиё ҳудудларида жойлашганини аниқлашга имкон яратди. Ушбу ҳудудларда истиқомат қилган алломалар, олимлар, диний билим раҳнамолари фан ва маданиятнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар¹.

Бундай муқаддас зиёратгоҳ ва қадамжолар тарихий-географик жойлашуви жиҳатидан қуёш нури тик тушадиган, тупроғи ва иқлими тоза, аҳоли зиёрат қилиши учун қулай бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг маънавий дунёқарашига ижобий таъсир этадиган тарбия маскани сифатида муҳим аҳамият касб этади.. Бу ерда дам олишлари ва тиловат қилишлари учун барча шарт- шароитлар яратилган. Ушбу зиёратгоҳлар жамиятимиз ривожига, миллий ғоя ва туйғуларимизнинг янада мукамал шаклланишига ҳисса қўшадиган маънавият марказлари сифатида хизмат қилмоқда. Айтиш мумкинки, аҳоли орасида зиёратгоҳга ташриф нафақат диний ибодат, балки халқ маънавияти юксалишида, дунёвий ва диний билимлардан хабардор бўлишларида, одоб- ахлоқ ва инсонпарварлик ғояларини тарғиб этишда муҳим ўрин тутади. Маънавий ахлоқий хислатлари илм-фан, жамият тарбияси йўлида қўшган улкан ҳиссаси ҳар жиҳатдан иолишга арзигулик бўлган Мавлоно Муҳаммад Зоҳиддек мутафаккирларнинг ибратли ҳаёти дастуруламал бўлмоғи лозим. Садриддин Салим Бухорий келтирган маълумотга кўра, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ўз пири муршиди Хожа Аҳрорнинг мана бу ўғитларига бир умр амал қилган: “Хислатларнинг яхшироғи ҳилм (юмшоғлиқ хушфеъллик) Нақшбандия тариқатининг улуғ тарғиботчиларидан бири Сўфи Оллоёр ижодида ҳам илм-маърифатга чақириш ғояси тарғиб қилинади². Айтиш лозимки, унинг “Маслак ул-муттақин”, “Сабот ул-ожизин” асарлари ўрта аср мадрасаларида асосий бош-ланғич манба вазифасини бажарган бўлиб, унда умуминсоний қадриятлар, одоб-ахлоқ масалалари бадий талқин этилади. Жумладан, “Сабот ул-ожизин” асарида камтаринлик ҳақида мавъиза ёзилган бўлиб, такаббурлик қилмаслик, кимнингдир ўғ-лиман деб мактанмаслик, отанинг

молига ишонмаслик, қиёматда насаб сўралмаслиги айтилади³.

Вилоятда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Қирққиз номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Термиз туманидаги Қирққиз ёдгорлиги, Бойсун туманида эса Қирққиз тош номи билан аталса, Сариосиё тумани Хонжиза тоғи Чош қишлоғида қирқ дона арча дарахти билан боғлиқ Қирққиз зиёратгоҳи ҳам мавжуд.